

Хайдар ЮЛДАШХОДЖАЕВ,
Мир Араб олий мадрасаси ректори
тарих фанлари номзоди

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЯ НАЗОРАТИНИНГ ИЛК ПЛЕНУМИ ТАФСИЛОТЛАРИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси¹ мамлакатимиз диний-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган нуфузли ташкилотдир. Унинг тарихида ҳам ибратга арзигулик саҳифалар кўп.

Ўз фаолиятини 1943 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон диния назорати номи билан бошлаган мазкур идора қарийб, 80 йилдан буён аввал, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида, сўнгра 1993 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида диний қадриятларни асраш, диний саводхонликни ошириш ҳамда ўлка мусулмонларининг эътиқодий тушунчаларини юксалтириш вазифаларини бажариб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, идора фаолиятини ташкил қилиш ва юритишда идора раҳбарияти ҳамда ходимларидан қатъи интизом ва етарлича билим ва малакага эга бўлишни тақозо этади. Зотан, ҳар қандай давлат ташкилотининг ҳар бир қадами марказнинг қатъий назоратида бўлган Собиқ Иттифоқ даврида мусулмонлар ҳаёти ва эътиқодий қарашларига доир барча масалалар ҳамда тадбирларнинг ташкил

этилиши ва амалга татбиқ қилиниши, сўзсиз, кучли дипломатик маҳоратни талаб этган.

Қуйида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бир давридаги фаолиятига доир тарихий ҳужжат ҳавола этилади. Бу ҳужжат диния назоратининг 1945 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда, Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон ҳазрат раислигида, бўлиб ўтган I Пленуми протоколдир. Ушбу протокол бугунги кунда Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланади². Зеро, унда кўтарилган масалалар, ечимлар ва тавсиялар ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий воқеликни, шунингдек, халқ кундалик ҳаётидаги эътиқодга доир энг муҳим жабҳаларни қамраб олган жараёнларни аниқ ва ҳаққоний тасаввур қилишимизга ёрдам беради. Шунинг билан у бугунги кунда ҳам амалий, ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятини йўқотмаган.

Ҳужжат эски ўзбек ёзувидан кирилл алифбосига ўгирилди, бунда хат услуби сақлаб қолинди.

¹ Қайси даврда қандай номлангани эътиборидан қатъи назар.

² ЎЗМДА, фонд-2456, опись-1, 20- йиғмажилд, 116119 вараклар.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

1945 йил 22 сентябрда Ўзбекистон пойтахти Тошканд шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратининг биринчи пленуми мажлиси бўлиб, пленум мажлиси раиси диния назорат муфтийси Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон ҳазратларининг раёсатлари остида очилди.

Пленум раиси: Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон

Котиб: Абдурахмон Акбарий

Пленумда тубандаги пленум аъзолари ҳозир бўлдилар.

1. Ўзбекистондан: I. Муфтий Эшон Бобоҳон; II. Қози Мурод домло; III. Қози Зиёвуддин.

2. Қирғизистондан: I. Қози Олимхон тўра Шокир хўжа ўғли; II. ва Қози Камолиддин Шабиддин ўғли.

3. Қозоғистондан: I. Абдулгаффор Шамсиддинов ва Қози Мулло Шариф Тўғонбой ўғли.

4. Тожикистондан: Қози Мулло Солиҳ Бобокалон ва Қози Баширхон Исҳоқийлар.

5. Туркменистондан: Меҳмон тариқасида Назар Эшон Кина эшон ўғли.

Тафтиш ҳакамларидан: Раис Шафоат ҳожи Холиқназар ўғли Шокир Хиялиддинов.

Шайх Охунд Сисанбой ўғли, Сомоваддин Муҳаммадхон ўғли

ПЛЕНУМ РЎЗНОМАСИ

1. 1943 йилдан 1945 йилни сентябр ойигача диния назоратнинг фаолияти ва молиявий ишлари юзасидан маърузачи Қози Зиёвуддинқори.

2. Диния назоратнинг иши даврида қарорларини тасдиқлаш.

3. Смета ва штатларни тасдиқлаш ҳақида Қози Зиёвуддинхон қори.

4. Маккайи мукаррама ва Мадинайи мунавварага боруб келган ҳожиларнинг ишлари ҳақида. маърузачи: Қози Муродхўжа домла.

5. Ташкилий ишлар тўғрисида:

А) Туркменистон қозиси марҳум Кина Эшон ўрнига одам тайинлаш.

6. Диния назоратнинг молиявий ишлари юзасидан тафтиш натижалари:

Маърузачи: Тафтиш комиссиясининг раиси Шафоат Ҳожи.

7. Жумҳурият қозилари ва тафтиш комиссия аъзоларининг қилгон ишлари ҳақида ҳисоботлари.

8. Тубандаги масалалар.

Бу тўғрисида пленум аъзоси қози Зиёвуддин қори томонидан тақдим қилинган рўзнома қабул қилинди.

Сўнгра пленум очилиши олдида муфтий ҳазратлари ўзларининг сўзларини Оллоҳ таолога ҳамду санолар бирлан бошлаб, (ҳукумат) раҳбарлари Гинролиссимус Сталин жаноблари шарафига Аллоҳ таолодан узоқ умрлар сўраб, шу билан Гермон фашизмасини, Япон тажовузчиларнинг ер юзидан маҳрум этишида голибона жанглarda курашиб ҳалок бўлган шаҳидларнинг хотирасига Қуръон ўқилиб бағишиланди.

Сўнгидан жаноб муфтийнинг таклифлари бўйича Қозоғистон қозиси Абдулгаффор Шамсиддинов жаноблари томонидан Туркменистон қозиси марҳум Кина Эшон Ҳизркули ўғлининг арвоғига Қуръон ўқилди.

Сўнгра қози Абдулгаффор Шамсиддинов жаноблари томонидан жаноб Сталинга ва Ўзбекистон ҳукумат арбобларига қаратиб ёзилган табрик телеграмма бир оғиздан маъқулланди.

I-масала юзасидан Қози Зиёвуддин қори томонидан маъруза эшитилди.

Маърузадан англашилганча, диний назорати ўзининг иши даврида қурултой томонидан тасдиқланган уставни амалга ошириш учун жуда уриниб, масжидлар очиш ва унга имом ва муаззинлар таъйинлаб имтиҳондан ўтказиш билан оёт ва ҳадисга қариш бўлган ҳар хил

диний урф ва одатларни, масалан: давра, эҳтиёт пешин, навҳалар тўғрисида ва шунга ўхшаши шариат ишлари юзасидан кўрсатма берилгани ва бир неча марталаб мусулмонларга қарата мурожаатномалар ва календарь ва журналлар чоб қилдириш бўйича иш олиб боргонликлари ва мусулмон руҳонийлар ўртасида бир неча бора кўб шаҳарларда мажлисларни ўтказиб, уларга йўл йўриқлар кўрсатиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг ватандошлик ишларига тортишида жиддий ҳаракатда бўлиб, қизил аскарлар дорилари учун ёрдам тарзи учун 490 минг сўм, танковой калонна тузиш учун 790 минг сўм ва 95 дона бош мол йиғиб топширишига муяссар бўлиб, жаноб Сталиннинг табрикларига мушарраф бўлгон ва Ўзбекистонни 25 йиллик тўйига 200 минг сўм пул топшириб, Ўзбекистон ҳукумат арбобларининг табрикларига сазовор бўлгонликларини кўрсатиб, бу маблағнинг тўплашида 1945 йилдаги ҳисоб бўйича:

Қозоғистон	106497 сўм
Қирғизистон	29750 сўм
Тожикистон	28000 сўм
Туркменистон	----
Ўзбекистон	17477 сўм 37 тийин

Бу маблағ тўплаш соҳасида, айниқса, Қозоғистон қозиси қилгон ишлари юқори ўринда туриб, Туркменистон, Тожикистон жумҳурияларидаги қозиларимиз ўз ишларида камроқ ташаббус кўрсатганлар. Ҳаттоки, айрим жумҳуриялардаги қозиларимиз қанча маблағ тўплагонликлари ва уларни то бу ерга таширишни билмасдан юрувчилар, хусусан, тўплогон маблағни устафга мувофиқ қонунлаштирмаслик аҳволлари сезилганлиги тўғрисида, масалан, Самарқанд, Андижон, Қорақалпоқдаги диния назоратнинг вакиллари Ориф Маҳмудий (Гулҳаний) 2. Содиқ Халифа 3. Салмон Эшон сингари шахслар маблағ тўплаш бир мунча қингир-қийиш ҳаракатлари билан ўзбошимчалик олиб келдилар. Ҳаттоки, ҳукуматдан ва диния назоратининг ижозатидан ташқари, янги масжидлар солишига ижозат бериш қошида диния назоратнинг обрўсини тўкишига урундилар. Буларнинг қилгон ҳаракатлари текишириш учун тафтиш комиссияларига топширилгон бўлса ҳам ўз устинда тафтиш қилмадилар. Шунинг учун ҳам диния назорати ўз аъзоларини юбориб буларни ишларини текишириб, вазифаларидан бекор қилдилар³.

Молия ишларида шуни айтиб ўтмоқчимен. Молия ишларида ортиқча тажрибаларга эга бўлмаганимиздан кўпгина хатоликларга учрашимиз сабаб бўлди. Шунинг билан бирга диния назоратнинг кирим бўлгон ашёларини хусусий кишилардан сотиб олганимиз учун харажатларимиз кўпайди.

Ҳаммаси бўлиб сўм тийин тушди шундан сўм харажат қилинди ҳозирга қолдиқ сўм тийин ҳисобланади⁴

Бинобарин мен шу утиргон қозиларимиздан бутун пленум аъзоларидан қаттиқ ўтиниб сўрар эдимки, бизнинг ишларимиздан бундан сўнгра, мувофаққиятли равишда бориши учун ҳамма вақт ўз ёрдамларини бериб турсалар деб.

³ Шу ўринда изоҳ бериш керак бўлган масала кўзга ташланади. Самарқанд вилояти вакили Ориф Маҳмудов, Андижон вилояти бош имоми Содиқ Халифа ҳамда Қорақалпоғистон қозиси Салмон Эшонларнинг қизил армияга ёрдам тариқасида жамланган маблағларга Диний назорат уставига зид равишда муносабатда бўлганлари қораланди. Лекин маърузачи, келажакда бир неча йил мазкур идорани бошқарган Шайх Зиёвуддинхон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари чиройли, юксак балоғат билан сўз ўйини қилиб, мазкур уламолар тўпланган маблағларни ўзлаштирмаганлиги, балки замон талабига зид равишда масжидлар очиш ва уларни таъмирлашга ҳукуматдан изн олмасдан сарф қилганликларини билдириб ўтади. Пленум материаллари билан танишган закий ўқувчи уламоларимизнинг қанчалар фидокор, динига садоқатли шу билан бирга юксак дипломатик қобилият соҳиби бўлганларини англаб етади. Маълумки Зиёвуддинхон ҳазратлари кўп йиллар Совет Иттифоқининг мусулмон мамлакатлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш кўмитасига раҳбарлик қилган ва ўнлаб мусулмон мамлакатлари билан дўстона алоқалар ўрнатилишида ғоявий кўприк вазифасини ўтаган арбоб сифатида тарихда қолган.

⁴ Ҳужжатда пул миқдори кўрсатилиши керак бўлган ўринлар очик қолдирилган.

Шундан сўнг қозилар ва тафтиш комиссия аъзолари ўзларининг шул кунга қадар қилгон ишлари юзасидан ҳисобот бериб, биринчи комиссия раиси Шофоат ҳожи, Шокир Хиялиддинов, Исмоил Муҳаммаджонов, шайх Охунд Сисанбой ўғли сингари жанобларининг қўшимча ҳисоботларини эшитилиб қўп савол жавоблар ва музокаралардан сўнг, тубандаги қарорга келамиз:

1. Камчиликлар бўлгон ҳолда диния назорати ўзининг иш даврида қизил армия ғозийларига кўрсатгон моддий ёрдам ва мусоҳамада мусулмоларнинг жалб қила билганлигини назарга олиб ишларини қаноатланурлик топсин;

2. Уларнинг ишларида тафтиш комиссияларининг қилгон ишларида хатоликлар йўл қўйгонлари учун суи топилиб, бундан сўнг ўз ишларни график асосида планли боришини таклиф қилинсун .

1. Жумҳурият қозиларининг маърузалари бирин-бирин алоҳида эшитгандан сўнг, диния назоратнинг чиқарилгон қарор ва фатволаридин амалга оширишида ҳамда ионавий намуналик фаолият кўрсатгувчи назорат аъзолари бўлмиш қозиларимиздан Қозогистон қозиси Абдулгаффор Шамсиддинуф, 2-Қирғизистон қозиси Олимхон тўра Шокир хўжа ўғли, 3-Тожикистон қозиси Баширхон Исҳоқий ўғилларига пленум номидан ташаккур эълон қилинсун.

2. Ва диния назоратининг қарор ва фатволарида ионавий ишларида бепорволик билан иш олиб борувчи назорат аъзолардан бўлмиш 4-Қозогистон Қозиси Муҳаммад Шариф Тўғонбой ўғли, 5-Қирғизистон Қозиси Шобидон ўғлига қаттиг танқид ва танбеҳ берилсин .

3. Тожикистон Қозиси Домло Солиҳ Бобокалон ўғлининг устларидан тушган муҳим ишқоятлар ва маълумотлар юзасидан ҳамда ўзларининг маърузаларида маълум бўлган диния назоратининг ҳурмат ва обрўйига ҳалал етарлик даражада акс ҳаракатлари зоҳир бўлгонлиқдан диния назоратини президиумига топшиурсун тез кун ичинда ва Домла Солиҳ ишларини ўз жойига махсус тафтиш ҳайъатларин йўласун, тўлуқ равишида текширулсин. Агарда олингон маълумотлардаги аксил ҳаракатлари очик исбот этган тақдирда Домло Солиҳ Бобокалон ўғлининг қозилик мансабидан маҳрум этилиб, 2-қурултойга вақтига қадар бир лаёқатли киши вақтинча қози тайинлансун ва бу ишни натижаси бутун жумҳурият қозиларига маълум қилинсун .

Келажакда диния назоратининг амри ишларини ривожландириш учун назоратнинг ҳар бир қарор фармойишларни амалга ошириш учун ва ҳамда назоратнинг устафи 16,17,18,19-моддаларини бутун Ўрта Осиё ва Қозогистон руҳонийлари ўрталарида амалга ошириш учун тафтиш ишларига кучайтирилсун.

Тафтиш ишларининг тартиби тубандагича йўлга қўйилсин.

1.Тафтиш аъзоси Ориф Маҳмудуф вакилининг пленум томонидан азл этилди сабабли Ўзбекистон вилоятларига баъзи тафтиш қилиш лозим топилгон жойларига муваққат тафтиш қилмоқ учун президиум назорат ходимларидан фойдаланиб турулсун .

2. Ҳар бир тафтиш натижалари ўз вақтида муфассал равишида тафтиш ҳайъати раисига бериб бориб турулсун.

3. Диния назорати томонидан тафтиш қилиш лозим топилгон жойлар тафтиш аъзоларининг жойлардаги яқин бўлса, мотирёлларини тўлуқ равишида тўблаб тўғридан тўғри тафтиш аъзоларига тафтиш учун юборилсун.

Тафтиш аъзолари қарорларига мотирёллар тегиши билан баробар тўғри бориб тафтиш қилиб тафтиш аъзоларига ушбу пленумдан қайтишлари ила баробар қўлларидидаги натижасини ўз вақтида диния назоратига юборсун.

4. Янгилаб шаҳодатнома берилсун. Шаҳодатнома икки тилда бўлиб мусулмонча, русча бўлиб ҳар иккисида тафтиш аъзоларининг тафтиш ҳақиндаги ҳуқуқи очик кўрсатилсун.

5. Диния назоратнинг қуввати руҳиясини кўтариш учун ҳар бир жумҳурият қозилари ўзларининг қарамогларида бўлган вилоят ва облуст районларида тафтиш қилиш лозим топилгон жойларига

тафтиши аъзоларини чақириб юбориб турсин. Ҳамда ҳар бир жойдаги тафтиши натижаларини ўз вақтида диния назоратига юборуб турсун.

6. Тафтиши комиссиясининг аъзолари Ориф Маҳмудуф (Гулханий) тафтиши комиссия аъзолигидан чақиришлари билан бирга пленум мажлисига қатнашиши ҳуқуқидан маҳрум қилунсин.

7. Ўрта Осиёда бирдан бир мусулмонларининг бош идораси бўлгон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати томонидан чиқарилгон қарор топириқларини, кўрсатмаларини бошқа жойлардаги диния назоратнинг ишончлилари диния назоратнинг устафига амал қилиб, тўғри бажариш лозимдур.

8. Устафга мувофиқ жойларда масжид очиш имом ва муаззинларни тайинлаш тўғрисида қозилар ўз фикрларини диния назоратга маълум қилиб, бу тўғрисида диний қарор, фикр ва тўловномаларни олгандан сўнг, ҳукуматнинг расмий ижозатидан кейингина масжидларни очиш, имом, муаззинларни таъинласун.

9. Қозилар ўз атрофларида бўлгон масжидлар ва мазоротларини ва диндор руҳонийларни 1945-йил 1 январидан 3 декабригача тахминий исмета кўрсатилгон даромад маблағларини чиқим йўли бўйича штатларда харажати турли идоралари учун кўрсатилгон 1.132.000 сўм харажат тасдиқлансин.

2-масала Маккаий мукаррама ва Мадинаий мунавварага бориб келган ҳожиларнинг ишлари юзасидан ҳисобот маърузачи қози Муродхўжа домло

Бу тўғрисида қози Муродхўжа домланинг маърузаларини эшитиб тубандаги қарор қиламиз.

1. Бу қунгача Маккаий мукаррама ва Мадинаий мунавварага бориш тўғрисида ҳеч қандай маълумотларга эга бўлмасдан Ўрта Осиё мусулмонлари ўзларининг фарз бўлгон вазифаларини адо этишди. Бу Маккаий мукаррама ва Мадинаий мунавварага бориб келган ҳожилар йўлларини очиқлигини ва шунингдек, ҳожилар қилгон зиёрати маълумотлари тўғри топилиб ниҳоят руҳоний ҳиссиёт билан тасдиқлансун.

2. Ҳожиларнинг қилган 66.000 сўм ҳамда 300 динор йўл харажати тасдиқлансун.

3. Бундан кейин ҳам диния назоратига ҳаж қилишни истаб ариза берган мусулмонларни ҳажга ариза берган ишларига раҳбарлик қилиш вазифаси топирилсин.

6-масала юзасидан тафтиши комиссиясининг раиси Шафоат ҳожилар маърузасини диния назорати ташиқил этилгандан то 1- пленум бўлганга қадар молия ишларини олиб борувчи бухгалтерларни бир неча мартабали янгилангани сабабли тўлиқ равишда бир ревизия қилишга имкон бўлмагани учун йиллик ҳисоб бўйича тасдиқлангон ҳисобот балансаси тасдиқлансун.

Чунончи: баланса бўйича 1943 йилдан 1944 йилнинг 31 декабригача бўлгон прихуд 1.707.937 сўм, расху 1.696.708 сўм, 45 йилнинг 1 сентябригача прихуд бўйича 778.129 сўм расху ҳам шунча. Жами назорат этилгандан то 45чи 15чи сентябригача прихуд 2.485.066 сўм, расху 2.474.832 сўм қолдиқ пул 12000 сўм.

Бешинчи масъала юзасидан:

Туркменистон қозиси марҳум Кина эшон вафот бўлгани сабабли Туркменистон қозилик вазифасига мустаҳиқ одам топилганча Кина эшон ўгли Назар эшон вакил тайин этилсун.

Тубандаги масалалар юзасидан

1. Жумҳурият қозиларига ҳар ойга 1500 сўмдан маош тайинлансун бошқа (меҳнатдан) маош олмоқлари мувофиқ топилсун.

2. Тафтиши камиссия аъзоларига ҳам ҳар ойга 1000 сўмдан таъинлансун булар ҳам иккинчи иши юзасидан қўшимча маош олмоқлари мувофиқ топилсун.

Қозоғистон қозиси Абдулгаффор Шамсиддинуфнинг маърузаси юзасидан.

3. Аҳамиятга эга бўлгон Яргат масжидининг тездан очиш чорасин кўриш учун диния назоратнинг президиумига топишириш ҳавола қилинсун.

4. Диния назоратнинг жадвали ҳақида бир қанча таҳқиқотдан сўнг Уфа диния назоратининг бир кун илгари бўлгони таҳқиқ топди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг босиб чақиргон календари тўғри топилди. Бундан сўнг, 1365 йил санаи ҳижрий бўйинча диния назоратининг 24 сентябрда муфтий Абдураҳмон Расулий ҳазратларининг берган телеграмига биноан 6 декабр пайшанба кунини биринчи муҳаррам ойи боши бўлишини асос тутиб жадвал тузилсин.

5. Диния назоратининг 2-қурултой мажлисига ҳозирлиқ куруш учун тафтиш комиссияси аъзолари 20 кун илгари чақирилиб ҳозирлиқ кўрилсун.

6. Муҳожир аҳли исломдан қариндошларимиздан Чечен Муҳаммад Саидуфни Қирғизистондан қора чойлилардан ҳожиди Мирзо Эркинов Қозоғистондан қирим муҳожирлариндан Тоҳир; Ўзбекистон жумҳуриятининг Самарқанд шаҳридан мазкурларнинг диния назорати билан алоқа боғлаш тўғрисида пленум ҳайъатига берган аризалари текширилиб, қозиларнинг қарарларида бўлгон шул мусулмонларни ўз ичларидан аҳли салоҳ ва аҳли фазллари рўйхатларига олиб диния назоратга юбориб юқорида кўрсатилганларни ўз жойларидаги муҳожир мусулмонларга област ва раёнлардаги ишончлик кишиси деб тайинлаш масаласи маъқуллансин.

Аслий нусхасига тўғри деб:

А.Ақбарий⁵

Думалоқ муҳр

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўрта ва Қозоғистон диния назорати ўз фаолиятининг илк кунларидан бошлаб катта ташаббускорлик ҳамда интизом билан иш бошлаган. Кадрлар масаласи, иш юритиш, мажлислар олиб бориш қоидалари алоҳида этибор билан амалга оширилган. Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон, Муродхўжа Солиҳий, Абдулғаффор Шамсуддинов, Олимхон тўра Шокирхўжа ўғли, Шафоат ҳожиди Холиқназаров, Исмоил Махдум Саттиев каби уламолар ўзларининг барча билим ва тажрибаларини Диния назоратнинг равнақи, ислом таълимоти ривожиди ҳамда мусулмонларнинг диний эҳтиёжлари қондириш учун сарфлаганлар. Бугун мақолада сўз юритганимиз, Ўрта Осиё ва Қозоғистон диния назоратининг Биринчи пленуми баённомаси мазкур идора тарихидан кичик бир лавҳа бўлишига қарамай, китобхонлар учун катта бир ибрат мактаби бўлишига умид билдирамиз

⁵ Абдураҳмон Ақбарий (Ақбаров) диний ва дунёвий илмлар билимдони, кўп йиллар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратида котиб лавозимида ишлаган, хаттот. Идоранинг архивида сақланаётган кўплаб буйруқ ва мажлис баённомаларини қозоғизлаштирган ва араб имлосига “Ақбарий” деб имзо қўйган. 1916 йили Ўзбекистон миллий академик драма театрини очилишида ташаббускор бўлганлардан бири, мусиқа жаҳрларининг моҳир устаси. Ўзбек миллий энциклопедиясининг “Ў” ҳарфи “Ўзбекистон Миллий драма академик театри” мавзусидаги маълумотда шундай келтирилади: “1918 – 21 йиллар Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий, Бадриддин Аъламовлар бошчилигидаги Аббор Ҳидоят, Абдураҳмон Ақбаров, Фатхулла Умаров, Карим Ёқубов, Шокир Нажмиддинов, Музаффар Муҳамедов, Маҳсума Қориева, Ятим Бобожонов, Обид Жалилов, Сайфи Олимов, Босит Қориев сингари театр келажига йўл очган актёрлар репертуарини таъминлаган Абдурауф Фитрат, Ғози Юнус, Чўлпон, Хуршид ва бошқалар драматургларнинг хизматлари катта. «Фанний уй» (М.Уйғур), «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси», «Ифғат қурбонлари» (Ҳамза), «Ёмон ўғил», «Эрк болалари» (Ғ.Зафарий), «Заҳокки марон» (Ғ.Юнус), «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари» (Фитрат), «Ёркиной», «Халил фаранг» (Чўлпон) ва бошқалар театр репертуаридан ўрин олди. Театр сахнасида драма, мусиқа драма, болалар театри йўналишлари вужудга келди. Бу жараён 1929 йил театрда драма, мусиқа драма, ёш томошабинлар давлат театрлари ажралиб чиқиши билан якунланди» (www.ziyouz.com кутубхонаси). А.Ақбарий “Қамолон” маҳалласида яшаган. Кейинчалик ҳовлиси куп қаватли иморат қурилиши сабабли бузилиб кетган. Иккита қиз фазанди бўлиб биттаси Туркияда иккинчи Озарбайжонда яшайди. Шунга кўра Ақбарий домла турк бўлган бўлса керак, деган тахминлар бор.